



ҚАЛИБ

Мақтау ёллар

Социалистик тузумимизнинг энг катта бойликлари — бу совет халқларининг дўстлиги ва монолит бirligi. Тошкент аҳолисига катта офат келтирган изтиробли кунларда ўзининг ҳаётида кучи ва гузал жамолини яққол кўрсатди. Зилзиланинг биринчи тўққилари тугамасданок Москва ва Ленинград, Киев ва Минск, Рига ва Таллин ҳамда бошқа шаҳарларнинг вакиллари Тошкентга зудлик билан йўл олдилар. КПСС Марказий Комитети ва Иттифоқ ҳукуматининг тadbир-ларига қўшимча қилиб ҳар бир республика ўзининг қардошларча ёрдам қўлини узатмоқда.

Шу кунларда зилзила оқибатларини тугатиш ҳукумат комиссияси ва жамоат ташкилотлари адресига қалб сўзлари битилган мактублар келиб турибди. Бу мактубларнинг муаллифлари зилзила оқибатида озор чеккан oilаларга ҳамдардлик билдириш билан бирга табиий офат жароҳатларини битиришда ўз ёрдамларини тақдир этмоқдалар, бутун совет халқи кўмағида азамат шахримиз илгаригидан ҳам гузал бўлишига ишонч билдирмоқдалар. Ушбу саҳифада мазкур мактубларнинг баъзилари эълон қилинмоқда.



Шу кунларда редакциямизга республикамизнинг ҳамма шаҳар ва қишлоқларидан, мамлакатимизнинг турли шаҳар ва областларидан, дўст мамлакатлардан ҳамдардлик изҳор этилган ва шаҳарни тиклашда ёрдам тақдир этилган хатлар кўплай келяпти. Ушбу суратда мазкур мактубларнинг бир қисmini кўриб турибсиз.

ҲАМДАРДЛИК

Тошкентлик дўстлар!

Гузал ва азим шаҳрингизда зилзила бўлиб ўтганини тўғрисидаги нохуш хабардан қаттиқ изтироб чекдик.

Сизлар матонатли, мустаҳкам иродали, меҳнатсевар ва жасур кишиларсиз. Бундай фазилатга эга бўлган кишилар ҳар қандай машаққат ва қийинчиликларни мардонавор енгитишга сира шубҳа йўқ.

Биз табиий офат туфайли юз берган қийинчиликларни тезда бартараф этишнигизга ишонамиз.

Ф.ОЛКЕ.
Бирма.

Қадрли тошкентликлар!

Радио кўркам ва меҳмондўст, биз учун қадрдон бўлиб қолган шаҳрингизда табиий офат туфайли содир бўлган кўнгилсиз воқеа тўғрисида хабар келтирди.

Бошингизга тушган бу муваққат ташвиш бизни қайғуга солмай қўймади.

Совет Иттифоқи қудратли ва бепоён мамлакат. Шунга ишонимизки, шаҳрингиз тез вақт кўпгина кўркам қиёфа касб этади, қалбидиз ифтихор туйғуларига тўлиб-тошади.

Джай ГУРИ,
Пражас ПАТХАК,
Хиндистон.

МАДАДКОРМИЗ

Азиз тошкентлик биродарлар! Шу ташвишли кунларда сизларга чуқур ҳамдардлик изҳор этаман. Эшитишимча, кўпгина уйлар бузилиб, oilалар бошпанасиз қолди. Бошқа замонда бундай аҳвол юз берса, кўпайиб, сарсон-саргардон, хор-зор бўларди. Аммо киши кишига дўст, ўртоқ ва биродар деган буюк принцип асосида қурилган бизнинг жамиятимиз бунга йўл қўймайди. Чунки, бепоён мамлакатимиз халқлари ягона oilага уюшган бўлиб, бир кишининг қувончи ҳамманинг қувончи, бир кишининг бошига тушган қуфат ҳамманинг ҳам қуфатидир.

Ҳозир бутун мамлакат Тошкент билан ҳамдард бўлиб, зилзила оқибатларини

ЮРАК КЕНГ БЎЛСА...

Oilамиз Тошкент атрофидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозинда истиқомат қилади. Зилзила бўлган куннинг эртасигаёқ, жонажон шаҳримизни айланиб чиқдик. Хозирги кунда бошпанасиз қолган ҳамма oilаларни ҳам уй-жой билан бир йўла таъминлаш мумкин эмаслигига кўзим етди. Oilа аъзоларин билан маслаҳатлашиб, нисбат хонамизни шаҳарнинг бир

родарларимизга бўшатиб беришга қарор қилдик.

Oilамизда 10 киши бўлиб, бешта хонада яшаймиз. Ҳозирча учта хонада бемалол истиқомат қиласан бўлади. Давлат бошпанасиз қолган oilаларни тўла таъмин этушга қадар бирорта oilанинг ҳовлимига келиб туриш мумкин. Чунки кўнгил кенг бўлса, жой топилаверади.

Н. ҚАХМАДОВ,
Кемерово области, Белов району.

АДРЕСИМИЗ УМУМИЙ: ҚУРУВЧИ ТОШКЕНТ

Кўзларим жовдир-жовдир...

Довдир бўлмасайди, табиат додир.

Ҳайдаримдир эрининг тағдида омон.

Тоғларнинг икки димланаримиди!

Ямларимди Анҳор соҳилларини оч.

Ойимизнинг юзун тиндираримиди!

Маври минг хил экан, сир-синоатли.

Турган-битгани куч, эски топишмоқ.

Бир қарасанг — мўмин, бир итотли.

Бир қарасанг — чакки, телба, ёпишмоқ...

Хуруж қилиб қолди лаҳза ичнда.

Узимизни ўнглаб олдик ҳарқалай.

Утмиш қолди бузуқ пахса ичнда.

Эртанингинг кисток иши бир талай.

Бир калмир ҳеч нарсас бўлмаган каби

Ҳадеб остонасин супирар эдик.

Тоға илақидани дедим асаби.

Қалбим: ўлдирмаган — муҳаббат, деди.

Зилзила, зил зарбалар

Қилолмайди бизнинг ишқин дарбадар.

Сўғимиз қолса қолар тағдида.

Аммо айрилигимиз она тўпрокдан.

Қизил хаританинг бир этакда

Азим Тошкент чикан янги суеокдан.

Учар чодирларга, ёғоч уйларга

Бўр билан ёшлаган омонат адрес.

Файзу хашам қирар кўча-кўйларга.

Гулбаданин кўриб, оғиб қолар эс.

Халитдан кўрпалас юзи қирминки.

Кўнга олжа тираб турувчи Тошкент...

Аммо ширмаймиз, ҳозирча бизнинг

Адрес умумийдир: қурувчи Тошкент.

Султон АКБАРИЙ.

ҲАМНАФАСМИЗ, ТОШКЕНТ, СЕН БИЛАН!

(ХАТЛАР МАЪЗИНИ ЧАҚИБ)

«Тошкентлик дўстларимизга табиий офат келтирган мусибат бизнинг ҳам мусибатимиздир. Лекин зилзила қанча бинаоларни шикастланган, кишилар дилини сиёҳ қилган бўлмасин, барбери матонатли Тошкент аҳолисининг иродасини бўқолмайди.

Мана шундай мазмундаги хатлар редакциямизга кўплай келиб турибди.

Дўст бошга оғир кун тушганда синалади. Кўхна ва нақирон Тошкентни қуришда трестиниз 2-курлиш-монтаж бошқармасининг ўртоқ Қодиров бошлиқ комплекс

бригадаси ишчилари бир кунлик иш ҳақи — 125 сўмини «Тошкент фонди»га юборди, деб ёзибди ўшунга киришган. А. Абдуғафуров. Ҳудди шундай мазмундаги хабарни пайкарликни ўқитувчи Э. Музаффаров, Гулистон районидан ола-ула Инобат ва Турсун Мирза-рахимовлар, Иштихон районидан Убайдулла Авазов, Оржоникидзе районидан Кенжа Хамроев ўртоқлар ҳам ёзиб юборишган.

Совет Армияси сафида хизмат

қилаётган С. Шерматов, А. Абдуллаев, Д. Абдуллажонов, Б. Хушвақтов сингари солдатлар ўз мактубларида қардош халқларнинг кўмағида Тошкент шаҳри тез вақт ичнда янада гузал чиройи нафш этишига қаттиқ ишонч билдиради.

Бошпанасиз қолган oilаларни ўз қариндош-уруғларидек қутиб олишга тайёр эканликлари изҳор қилган мактублар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Жумладан,

Марказий Фарғона бағрида янги тикланган «Ленинизм» колхозини аъзолари бундан бир неча кун муқаддам фойдаланишга тахт қилиб қўйилган 90 та ҳовлини кўчиб келишни истаган тошкентликларга тақдир этишга тайёрлар, дейилади Машраб Аҳмедов ёзган мактубда.

Айни пайтда меҳнаткашлардан келатган хатларда зилзила ҳақида бўлмағур ваҳималар тарқатувчиларга лаянат билдириб ёзилган мактублар ҳам учиради. Тошкентлик ўқитувчи Тўта Ғуломов, студент Дилором Ғойбова, хизматчи Ҳўри Шонёзова ўртоқларнинг хатларида «миш-миш» тарқатувчилар қаттиқ қораланади ва Тошкент аҳолиси вақтинча юз берган қийинчиликларни мардонавор енгажигига ишонч билдирилади.

МАШЪАЛ БЎЛИВ ҚОЛ!

Тошкентлик азиз ватандошлар! Бошингизга тушган мусибатга ширинимиз. Уни енгитишда сизлар ёлғиз эмассиз. Бутун мамлакат сизларга ёрдам қўлини чўзмайди. Республикаимиз меҳнаткашлари сизларга кўплай йўллар, кўришлар, материалларни юбориб, қурилишга маълум бўлиш мақсадида кўшимча сменаларда ишламоқда.

Сизнинг шаҳрингиз киргизистонликлар учун ҳам қадрлидир. Чунки сизнинг билим даргоҳингизда кўплай киргиз йигит-қизлари таълим олиб, хозир коммунистик мулкчиларни индустриаларнинг олднинг сафида бормоқдалар. Шу босқичдан хозирги пайтда сизларга дўстлик нўдунини чўзишни ўзимизнинг инсоний бурчимиз деб биламиз.

Комбинатимизнинг уч аъённинг кишилик коллектив учун кўнгли иш ҳақини Тошкент фондига юборишга аҳд қилди. Биргина биз эмас, шаҳардаги электронсоз завод, автомобиль ремонтчи заводи ва бошқа корхоналарнинг ишчилари ҳам сизларга моддий ёрдам кўрсатишга тайёрлар.

Тошкент Шаҳрининг машъал бўлиб қолши учун кўнлимиздан келган ёрдамни аямиз, азиз биродарлар!

Эргашон ҚОДИРОВА,
Лутфон МАНҚУЛОВ,
Қирғизистон ССР, Ўш илҳак комбинатининг ишчилари.

ТАШРИФ БУЮРИНГ

Ўзбекларда «кўнглинг кенг бўлса, унинг торлиги ҳам бўлмайди» деган айтиш буюрди. Бунинг нақадар тўғрилиги Тошкентда бўлган зилзиладан сўнг қаттиқ ишонч ҳосил қилдик. Қаранг, қандай олжаноқ кишиларнинг бора-а минг-минглаб хонадонлар бошпанасиз қолган oilаларни ўз бағрига олмоқда! Республика шаҳар ва қишлоқларнинг минглаб меҳнаткашлари бугун-эрта кўчиб қирмоқчи бўлган янги квартираларнинг қалитини тошкентликларга тўтқинамоқдалар. Чинакам одамгарчилик бу!

Бошпанасиз қолган баъзи oilалар бошқа шаҳарлар қатори гузал Фарғонага келиш истагини билдиришди. Марҳамат, дўстлар, ўзимизнинг турли синини, Шаҳсан бизнинг oilамиз 2 та хонани акратиб беришга аҳд қилди.

А. СОСУЛИН,
хизматчи,
Фарғона шаҳри.

ҚАРДОШЛАР ҲАМКОРЛИГИ

БИЗНИНГ ИНТЕРВЬЮ

СССР озиқ-овқат саноати министрининг ўринбосари С. Н. БРОВКИНИНГ айтганлари

Зилзиладан жафо кўрган Тошкентдаги озиқ-овқат саноати, умумий оватланиш корхоналари ишчи яхшилашга кўмаклашиш учун бир-бирини мутахассислар ҳам етиб келишди. Улар орасида СССР озиқ-овқат саноати министрининг ўринбосари С. Н. Бровкин, министрининг коллегиясининг аъзоси, капитал қурилиш бошқармасининг бошлиғи К. П. Савицкий ва галла маҳсулотлари бош бошқармасининг бошлиғи Г. В. Строганов ўртоқлар ҳам бор. Мухбиримиз С.С.СР озиқ-овқат саноати министрининг ўринбосари

С. Н. БРОВКИН билан суҳбатлашдик.

— Тошкентда юз берган зилзила оқибатларини тугатиш учун илгирини кураш бошланган. — деб хўноа қилади ўртоқ Бровкин. — Бу курашдан мамлакат озиқ-овқат саноати корхона-ташкилотларининг мутахассислари ҳам четда эмаслар. Улар ҳам Совет Шарқининг машъали Тошкент чиройи-

га яна ҳам чиройи қўшимшга, уни қадимидан ҳам овод ва кўркам шаҳарга айлантиришдан иборат шарафли ишга мўносиб ҳисса қўйишга бел боғлаганлар. Тўғри, Тошкентдаги бир қатор озиқ-овқат саноати корхоналари ҳамда умумий оватланиш тармоқлари зилзила вақтида шикастланди. Бироқ, шаҳар аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлашда узилмас бу-

ларнинг коллективлари ўзбекистон озиқ-овқат саноати мутахассислари билан биргаликда мавжуд шундай корхоналарнинг аҳолисини қуздан кечирмоқдалар. Зилзила туфайли ишдан чиққан чех ва улашларни тиклаш тadbирлари нўриятди. Курск, Олмаот, Ростов, Тбилиси шаҳарларидан келган мутахассислар айниқса гайрат кўрсатишди. Улар ўзбекистонликлар билан бамаслаҳат озиқ-овқат саноати корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқаришни қўлайлаштириш, янги корхоналар барпо қилиш режаларини тузишгаётди. Шаҳардаги 6-нон заводи ва 3-пиёз заводи ишлаб чиқариш қувватини оширилади. Тошкентда тик-


ланиш лозим бўлган нон-булға комбинати қурилиши тезлаштиришнинг нақират тadbирлари ишлаб чиқилди. Янги корхона ҳар кеча-кундузда 140 тонна маҳсулот тайёрлайдиган бўлади. Тошкент ГРЭСи яқинида янги пиво заводи қуришга киришилди. Шу йил кузгача шаҳарда маҳсулот ишлаб чиқаришда озиқ-овқат саноати корхоналарининг техникавий жиҳозланишини янада яхшилаш, қувватини ошириш белгилаб қўйилди.

СССР озиқ-овқат саноати министрининг қарашли корхоналар ва ташкилотлар Тошкентдаги озиқ-овқат корхоналари учун кўпгина миндорда қўшимча моддий-техника фондлари

айратдилар. Ҳозирнинг узундаёқ кондитер, нон-булға, консерва ва озиқ-овқат саноати индустриясининг бошқа корхоналарида хилма-хил технология усунуналари ўрнатилди. Қувар, маҳсулот сақланадиган натта ҳаммадаги идишлар билан бирга, кўплай потон линиялар, автоматлаштирилган агрегатлар, жаҳон бозорида тан олинган машина-усунуналар ҳам йўналтирилди. Биз Ўзбекистон республикасининг алоқадор ташкилотлари билан маслаҳатлашиб, Тошкентда озиқ-овқат саноати корхоналари учун маълум қилиш ва мутахассислар тайёрлаб берадиган махсус профессионал-техника билим юртини ташкил этишга қарор қилдик.

Билим юрти Тошкент ва республиканинг бошқа шаҳарларидаги озиқ-овқат саноати корхоналари учун билимдан таърибли нафлар етиштириб беради.

Шаҳар аҳолисини ишонтириб айтиш муминки, Тошкент қисқа вақт ичнда ўз кифосини нўда ҳам ўзгартариб юборади—мамлакатдаги энг гузал шаҳарлар қаторига қўшилиди, бу ерда тўкин дастурхон манбалари, озиқ-овқат маҳсулотларининг жуда кўп хилларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Иттифоқимизнинг турли томонларидан келган мутахассисларнинг жонқуварликлари шундан далолат беради.



Г. Бойко фотоси, (ЭТАГ фотохроникаси).

ГФРНИНГ 1966 йил 25 мартдаги нотасига СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ ЖАВОБИ

ГФР ҳукумати бошқа кўпгина давлатларнинг ҳукуматлари қатори Совет ҳукуматига ҳам 25 мартда нота юборди. У ўзининг бу нотасида ГФР сийосатининг умумий масалалари ҳусусида ҳамда баъзи бир ахборот ҳалқаро проблемалар ҳусусида ўз мулоҳазаларини баён қилди.

Совет ҳукумати 17 майда ГФР ҳукуматига жавоб нотаси юборди. Федерал ҳукумат, дейилади бу нотада, на реваншчилик, на реставрациячилик сийосати амал қилмаганини, у ўтмишга эмас, балки келажакка назар ташлаётганини айтиди. Шундай савол турғилади: бу гап федерал ҳукумат ўзи ўтказиб келган ҳамда Европанинг тинчлиги ва хавфсизлигини манфаатларига эид бўлган сийосатдан воз кечмоқда, деган маънони аниқлаётми?

Маълумки, Европадаги бирон-ҳам давлат ГФРга нисбатан территория даъволарини илгари сураётгани, унинг икитомий-иқтисодий тузумига қасд қилаётганини айтади.

Шундай бўлса ҳам, федерал ҳукумат мамлакатини милитаризация қилишни, йирик ҳарбий машина вужудга келтиришни ошқорлашга ўз фойдалигини марказига қўйди. Федерал ҳукумат ГФРнинг Германияга агрессия ҳарбий ташкилот бўлган НАТОга аъзо қилдириб олди: у, Потсдам битимидан ГФР учун келиб чиқувчи мажбуриятларга ҳилоф иш қилди, ярим миллионли армия (бундесер)ни тузди. Федерал ҳукумат ўзининг бу сийосатини Европа ташқирисиди давлат бўлиши Америка Қўшма Штатларининг сийосати билан узвий равишда боғлаб юборди. Америка Қўшма Штатлари учун эса Европа манфаатлари мутлақо ёқ бўлиб, у Европа қитъасида Америка қўшқинларининг мумкин қалар кўпроқ вақт тураётганини таъминлаб олиш мақсадига кескинликнинг салибиди туришидан манфаатдорлар.

Ҳарбий ҳаражатларнинг миқдори жиҳатидан ГФР НАТО қатнашчилари орасида АҚШдан кейин келиши ўзининг олди ГФРда олиқроқ напистлик, милитаристлик ва реваншчилик руҳидида неча ҳафта иттифоқлар, ташкилотлар ва уюмлардан актив иш қўймоқда. ГФР аҳолиси айна бодилик чоғларидан бошлаб милитаристик ва реваншчилик ғояларининг оғуси билан заҳарлаб қўйилди.

Шу нундан назардан қараганда, ГФР ҳукуматининг бу нотасини қай маънода тушумоқ керак?

Хатто ГФР ҳукуматининг ўзи аллақандай «тинч ташаббус» қилиб кўрсатмоқчи бўлган нотада ҳам Европадаги чегаралар қайта кўриб чиқилиши ва ГФР «Германиянинг 1937 йил 31 декабрдаги чегаралари ҳамон ўз ўрнида турибди» деган фикрини илгари суришни ўзига эп қўрди. Бу билан ГФР ҳукумати ўтказиб келадиган бутун сийосатини сири фоти қилиб қўйди. ГФРнинг Германия ҳукумати ўзининг милитаристик сийосатини даставвал айна 1937 йилги гитлерчилар рейхиви тиклаш мақсадига юргизмоқда.

СССР ҳукуматининг нотасида сўзга бундай дейилади: ГФРнинг қўшқинлари— герман рейхининг хиёнаткорлигини ўз таърибидида синов кўрган мамлакатлар ГФРдаги реал воқеаларга назар ташламайди, булар ГФР сийосати тўғрисида фақат ГФР ҳукуматининг бир-бирига қарама-қарши гаплари асосида муҳомаа юрғутаётганлар, деб ўйлаш янглишиш бўлур эди.

Герман милитаризмининг найранглигини, унинг босқинчиликларга иштиёқ ҳаддан ташқари кучли эканлигини совет ҳалқи айниқса яхши билади. Ёш Советлар Россияси бундай келган дастлаб ойларидаёқ герман интервентлари унинг территориясига бостириб кирган эдилар. Иккинчи жаҳон уруши вақтида Совет Иттифоқи қарши гитлерчилар қилган агрессиянинг мудҳиш якуни шу бўлдики, 20 миллиондан кўпроқ одамнинг ёстиғи қурди. 1910 шаҳарнинг кули кўнага соғирди ва байрон қилинди, 70 мингдан ортиқ кишлоқ ер юздан сулуриб ташланди.

Польша, Чехословакия, Югославия, Франция ва Европадаги бошқа кўпгина мамлакатларнинг ҳалқлари ҳам катта-катта қўрбон бердилар ва бехисоб азоб-қуқубларга дучор бўлишди. Шу ҳалқлардан ҳар қайсинини герман милитаризмига нисбатан қўядиган ўзига яраша даъвоси бор. Бундан эса, федерал ҳукумат ҳеч қайқа қочиб кутула олмайд.

Илгарики рейх территориясидида икитомий муносабат ва суверен давлат—Германия Демократик Республикаси билан Германия Федератив Республикаси яшаб ва ривожланиб келадиганига тез орада ўн етти йил тўлади. Совет

Иттифоқи социализм қураётган, тинчлик ва хавфсизлик ишига катта ҳисса қўшаётган Германия Демократик Республикасида нисбатан сидқидилан, меҳр-муҳаббат ва қардошлиқ туйғулар билан қараётганлигини яширмайди.

Герман милитаризми томониди янги агрессия бошлаб юборилишига йўл қўймайди, вужудга келган чегараларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш ҳақида СССР, ГФР, Польша, Чехословакия, Венгрия ва Варшава шартномасида қатъий қарор қилинган. Мамлакатлар ўз диммаларига олган мажбуриятларнинг мазмунини Федератив Республика ҳукуматига яхши маълум. СССР билан ГФР ўртасида дўстлик, ўзаро ёрдам ва қардошлиқ тўғрисида 1964 йил 12 июнда тузилган Шартноманинг бораги билан ҳам ГФР ҳукуматининг ҳисоблашмаслиги мумкин эмас.

ГФР ҳукумати, унинг парламенти ва аҳолиси шуни жуда яхши билиб қўйишлари лозимки, Германия Демократик Республикасининг чегаралари, унинг суверенитети, Польша, Чехословакия чегаралари ҳар қандай йўл билан таъвоуз қилиш СССР, ГФР, Польша, Чехословакия ҳамда уларга иттифоқчи бўлган Европадаги бошқа давлатлар томонидан берилдиган қатъий зарбага учрайди.

Ядро қурулиниги янада ёйилиши йўл қўймайди Европада тинчлик ва хавфсизлигини таъминлашнинг энг асосий шартларидан биридир. Федерал ҳукумат ядро қурулини тарқатмаслиги тўғрисида БМТ Бош Ассамблеяси XX сессиясининг резолюциясини амал қилмоқчики, у ГФРнинг НАТО маҳазими орали ёки бошқа бирон усул билан ядро қурулига шерик қилиш планларидан воз кетишига тайёрийми?— деган савол турғилади.

ГФР ҳукумати ўзининг нотасида ядро қурулини тарқатмаслиги тўғрисида ядро қурулини тарқатмаслиги тўғрисида БМТ Бош Ассамблеяси XX сессиясининг резолюциясини амал қилмоқчики, у ГФРнинг НАТО маҳазими орали ёки бошқа бирон усул билан ядро қурулига шерик қилиш планларидан воз кетишига тайёрийми?— деган савол турғилади.

ролига шерик қилиш имконияти бораги ҳақида мутлақо оғиз очмаганини кўза ялт этиб ташлаш мумкин. Бу— тасофий нуқтаи назар эмас, албатта. ГФР ҳукумати ҳозирги шартларда ўзи учун худди мана шу имкониятни мўлажалла олиб турганлиги ҳаммага маълум.

ГФРнинг Германияда шу мамлакатни Европада бошқиб қилиб қўйиш ҳақида билан юрган кўчлар бор. Улар «Бонн—Вашингтон ўқи» тўғрисидаги режаларга ҳам мана шу позициядан ёндашмоқдалар. Ядро қурулига шерик бўлиб олиш ҳозир ГФРда умум-давлат миёсидаги проблема даражасига қўтариб қўйилмоқда ва бу проблемага шундай «ўй» вужудга келтиришнинг асосий «элементи» деб қаралмоқда.

ГФРнинг бутун сийосати бир мақсадга бўйсундирилган, у ҳам бўлса— бирон шаклда ядроли давлат статусини олиш ҳамда давлат герман рейхини тиклашга «эравондик позицияси»дан туриб уришиб қўришдир.

Вашарти ГФР оғзаки гапдан амалий ишга ўтиб, бевосита ёки бавосита, яқна ўзи ёки бирон қимса билан тил бирикитириш ҳолда ядро қурулига эга бўлиб олса, бундай ҳаракатнинг энг оғир оқибатлари учун бутун жамоабонлиқнинг унинг ўзи ва унга ёш босганлар тоғишига тўғри келади, деб яна бир қарра айтиб қўйишни СССР ҳукумати ўз бурчи деб ҳисоблайди. Совет Иттифоқи ва унинг иттифоқчилари ҳар қандай қилиб келганин оғоҳлаш шартларига мувофиқ, ўз хавфсизлигини таъминлаш учун зарур чораларни қўришга мажбур бўладилар.

Федерал ҳукумат ўзининг нотасида Европа ҳукуматлари низоли ҳалқаро масалаларни бартараф этиш вақтида куч ишлатишдан воз кечганлигини ҳақида бир-бирларига расмий баёнот юборишлари, деб таъкид қилади.

Совет Иттифоқи давлатлар ўртасида низоли проблемаларни ҳал қилиш вақтида куч ишлатмаслигини ҳамма вақт талаб қилиб келди.

Вироқ, Совет ҳукумати мажбур тақдирини қўриб қиш вақтида ГФР ҳукуматининг ўз сийосати тўғрисидаги гаплари баъзан бир-бирига нақадар қарама-қарши қаратилган бўлиши, яъни милитаризм ва атомизмнинг қўриқчилари билан бир-бирига қарши бўлиши, ГФР ҳукумати бир ўрнида Германия маса-

ласини ҳал қилиш учун ҳеч қандай ишлатмаслигини айтиди. Вироқ, шу таланинг кетиданоқ икитомий ўрнида Германия масаласи ГФРнинг талабларига мувофиқ равишда ҳал қилинмаса, Европада на мустаҳкам тинчлик, на хавфсизлик бўлади, бошқага сўзлар билан айтганда, уруш чиқиб кетади, дейди.

Вироқ, деб ўтирилади нотада, ГФР ҳукуматининг Шарқдаги энг ақили қўшқини—Германия Демократик Республикасини нисбатан ўз адоватини рўёбга чиқариш имконини берадиган шарт-шароитлар вужудга келтириш ҳақидаги барча мўлажаллари заминини бўш мўлажаллардир.

Федерал ҳукумат ўз нотасида қурулсизланиш ва қурул-роғлар, Европада ядро қурули запаслари устидан контроль ўрнатилш ва шу қилиб бошқа масалалар ҳусусида баъзи бир мулоҳазаларни илгари суради. Бу мулоҳазаларнинг аксарий қисми АҚШнинг қўлдан бери маълум бўлган тақдирларига мос бўлиб, ҳақиқатда қурулсизланишга қарши ҳамда АҚШнинг Вьетнамдаги ва дунёнинг бошқа қисмларидаги агрессия сийосатини ниқоблашга қаратилган. Совет Иттифоқининг қурулсизланиш масаласидаги позицияси ҳаммага равшан, тушунарли ва яхши маълум.

ГФР ҳукуматининг парчалаувчи материалларини импорт қилиш ҳусусидаги фикрларига келганда эса шунин айтмоқ лозимки, Совет Иттифоқи ГФРда ядро қурули ишлаб чиқариш учун ишлатилиши мумкин бўлган материалларнинг қўллаб-қамраб қўйилишига принци этибори билан қатъий қаршидир.

Совет Иттифоқи немисларнинг миллий проблемасига тушуналган ҳолда қарамокда. Лекин на Совет Иттифоқи ва на бошқа бирон мамлакат бу проблемани немислар ўрнига ҳал қилиб бера олди. Унинг қилиши иккала герман давлатининг қўлида, ГФР ҳукумати ўн беш йилдан ортиқ вақт мобайнида ГДР билан қарам-қарши тоғиш учун бирон қар қўриш ў ёнда турсин, аконича ана шу давлатга қарши қўриқчи бўлиб «совуқ уруш» қилиб келди. Шундай шартларда Германияни бирлаштириш ишқиболлари учун ГФР ҳукумати ва аслида фақат унинг ўзи жамоабон эканлиги йил сайин тобора равшан бўлиб бормокда.

Совет ҳукумати тинчликни мустаҳкамлаш, Европа хавфсизлиги,

қурулсизланиш сингари проблемаларни амалий ва конструктив равишда қўриб қиш тарафдоридир. СССР ҳукумати Федерал ҳукумат билан, жумладан қўлидаги масалаларда ҳамкорлик қилиш мумкин, деб умид қилишни истар эди.

Замонавийнинг энг асосий вазифасини ҳал қилмоқ— ядро уруши бошланг кетиш хавфсизлигини олдириш оғмоқ учун давлатлар бир ёндадан бош чиқариб қўй-гайрат сарф-харажатлар зарур. Ядро қурулини тарқатмаслиқ тўғрисидаги шартномани сира кечитирмасдан тузиш шу йўлда қўйилган катта қадам бўлур эди.

Ўзгаларнинг территорияларидаги чет эл ҳарбий базаларини туғатиш ва ана шу территориялардан чет эл қўшқинларини олиб қиқиб кетиш масаласини бир ёқлик қилиш ҳам яқин тинчликни ва халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш манфаатларига мос бўлиб турган бўлур эди.

Қурулсизланиш пойсизини тўғатиш ва халқаро кескинлигини бўшаштириш мақсадига Совет Иттифоқи ҳарбий блоклар, шу жумладан, Европада бир-бирига қарама-қарши турган НАТО ҳарбий группировкалари билан Варшава шартномаси ташкилотини тарқатиб юбориш тарафдоридир. НАТО ҳарбий группировкалари билан Варшава шартномаси ташкилотининг қурулсиз қилари немис туғрида бевосита рўпарам-рўпара турибди. Совет ҳукумати Европа давлатлари хавфсизлигини мустаҳкам гарантчиловчи системани ишлаб чиқишда иштирок этишга тайёрийдир.

Совет ҳукумати Германия Демократик Республикасининг иккала герман давлати ядро қурулидан воз кечиши тўғрисидаги, иккала герман давлатида қурули кучларини ва қурул-роғларни қисқартириш чоралари ҳақидаги, Европа хавфсизлигини таъминлаш тадбирларини тўғрисидаги тақдирларини, Польша Халқ Республикасининг Марнази Европада атомсиз зона вужудга келтириш ҳақидаги тақдирларини ҳамда Европа хавфсизлигига доир масалалар ҳусусида Европадаги социалистик давлатлар томонидан илгари сурилган бошқа тақдирларини қўллаб-қувватлаётганлигини билдириди.

Амалда Европанинг шарқи ва шарқдаги мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда кескинлигини қамайтиришга ҳамда улар ўртасида ҳамкорлигини ривожлантиришга олиб борадиган сийосатни ўтказиш

Европа хавфсизлигини мустаҳкамлаш манфаатларига мос бўлиб турган бўлур эди. Европадаги барча давлатлар ўртасида тинч сийосий, иқтисодий, илмий-техникавий, маданий ва бошқа ўзаро манфаатли алоқаларини қучитириш ва ривожлантириш учун ҳар қандай имкониятлардан фойдаланиш ана шу давлатлар ташқи сийосатдаги фаолиятининг энг муҳим жиҳатларидан қайси айланиши мумкин эди.

Совет ҳукумати Европадаги социалистик ва бошқа давлатларнинг Европа хавфсизлигига доир масалалар ҳусусидаги тақдирларини Умумевропа доирасида муҳомаа қилишни муҳим деб ҳисоблайди. Европа давлатларининг тегишли кеангаини қачирин мана шу мақсадга жавоб берган бўлур эди.

Совет ҳукумати Германия Демократик Республикасининг ўзини БМТ аъзолигига қабул қилиш тўғрисидаги мурожаатига ҳамда у, БМТ мақсадлари ва принципларига риоя этиш мажбуриятини ўз зиммасига олишга тайёр турганлигини билдирганлигига юксак баҳо берди. Совет ҳукумати шунин таъкидлайдики, Федератив Республика томонидан БМТга тегишлича мурожаат қилинган тақдирда, Совет Иттифоқи иккала герман давлатининг БМТ аъзолигига қабул қилинишини ёқлаб қиқайди.

Совет Иттифоқи аввалгидай ҳозир ҳам Германия масаласини тинч бартараф этишни Европада реал суратда вужудга келган вазиятини ҳисобга олган ҳолда ниҳоясига етказиш тарафдоридир. Бунда мустақил сийосий тузилма бўлган ГФРнинг Берлин ҳам ўз ўрнини тоғиб олиши мумкин бўлур эди.

Совет Иттифоқи ҳукумати, дейилади нотанинг охирида, СССРнинг Германия Федератив Республикаси билан муносабатларини нормаллаштириш ва яхшилаш тарафдори эканлигини, ўтмиш вужудга келтирган ишонсизликни барҳам бериш тарафдори эканлигини неча мартада айтиб ва шу гапни ана такоррайди. Гап Федерал ҳукуматга болғиб бўлиб турибди. ГФР ҳукуматининг сийосатида реализм ва тинч ҳамкорлик тоғи бурлиш йсаш керак— Совет Иттифоқи ва бошқа тинчликсевар давлатларнинг ҳалқлари ГФР ҳукуматидан кутаётган нарсана шу. (ТАСС).

СОЛНОМАЛАР ҲИКОЯСИ

Бундан қарийб юз йил муқаддам Тошкент шаҳрида қаттиқ зилзила бўлиб ўтганлиги ҳақида матбуотда хабар қилинди. Шу муносабат билан мазкур тафсилотларни оғина бўлса ҳам ёзиб қолдирган ўша давр кишиларининг эсдаликлари, ўйлашмики, тарихий жиҳатдан анча эътиборга сазовордир. Биласан, биз бу ерда ана шундай эсдалик-манбалардан бири— XIX асрнинг иккинчи ярмида Тошкентда яшган Муҳаммад Солиҳ деган кишининг «Тарихи жадидийи Тошканд» («Тошкент янги тарихи») номи асарига баён қилинган маълумотларни муҳтарам таърихчиларга маълум қилмоқчимиз.

«Тарихи жадидийи Тошканд» тоғик-форс тилида ёзилган, икки жилдан иборат, 1040 Ұрақли асар. Ҳозир бу китобнинг Муҳаммад Солиҳ ўз кўли билан битган нусхаси Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида нодир қўлемалар қаторида сақланмоқда.

Муҳаммад Солиҳ 100 йил илгари Тошкент зилзиласи вақтида шу шаҳарнинг ўзида яшаган ва ўзи шодиқ бўлган воқеаларни батафсил ёритган экан, улар билан бир қаторда табиий офат — зилзилани ҳам айрим тафсилотларни сузлаб ўтади. Бу тафсилотлар қуйидагилардан иборат:

«Унингчи зулҳижжанидан ўн биринчи ўтар кечаси саҳар пайтида, — деб ёзди Муҳаммад Солиҳ мажбур асарининг 687- Ұрақлида, — бу Тошканд шаҳрида кучли зилзила воқеа бўлди: мазорларнинг ўн бир гунобази, ҳазрат Аҳрор валий масжиди жомеъининг) гўмбази кунфоякун бўлди: кўп кишилар — гафлатда ётган аҳли иморатлар тағдида қолди; Барқарор мадрасаси) гўмбаз тағдида тўрт тоғлиқ илм мулобача ҳалокатга етди. (Зилзила) тарих соати (давом этиб) сўғ қайтди: ҳусусан охириги марта (силкинишда) таҳминан тўрт дақиқа давомида шундай ларзага келдики, агар яна тўрт дақиқа (шу қабилда) давом этса ер қонда ҳеч бир тил турган наса бозир) қолмас эди. Зилзила тинчлангандан кейин ҳам нечартаи белор бўлган кишиларга қарийб бир ой давомида ер ҳаракати асари маълум бўлиб турди».

1. Оқунбобоев майдон (Чорсу) яқинида ҳозир ҳам маъмур.

2. Ҳозирги Ҳамза кўчасида.

3. Текстада шундай, яъни тўрт минут. Бу билан автор секунд (сонин) демоқчи бўлса керак.

Муҳаммад Солиҳнинг биз тоғик-форс тилидан таржима қилиб келтирган бу сўзларининг ҳаммаси ҳам аниқ-равшан эмас. Аввало ер қимирлашнинг муддатига келсак, зилзила ярим соат орасида ўқтин-ўқтин қайталаб турган деб тушулганимиз ҳолда ҳам, охириги қимирлаш таҳминан тўрт дақиқа) (минут) давом этгани тўғри е нотўғрилигини аниқлаш бу соҳада ишлаётган мутахассис олимилимизнинг илмий мулоҳазаларига ҳавола қилинади.

Муҳаммад Солиҳ ўз тарихнавислик услуби бўйича тарихий воқеалар содир бўлган йилни бир бор эслатиб ўтган, сўнг уни қайтариб ўтирмай, ой ва кунларини келтира беради. Ана шу қабилда, юқорида кўрганмишдек, зилзиланинг ой ва кунини аниқ-у, бирок йили келтирилмаган. Лекин «Тарихи жадидийи Тошкент»нинг ушбу зилзила баён этилган Ұрақлида (687) олдин ва кейин эслатиш йилини қарасак, 689-Ұрақлида 1282 Ұрақли, 688-Ұрақлида эса 1283 йил, муҳаррам ойи кўрсатилган. Бундан равшан бўладики, Муҳаммад Солиҳ 1282 йилнинг зулҳижжа ойи ҳақида сўзлаётган экан. Демак, зилзила унинг сўзича 1282 Ұрақли йилнинг 10-11 зулҳижжасида, яъни, мелодий йил ҳисобида 1866 йил 26 дан 27 апрелга ўтар кечаси, ҳозирги зилзиладан 100 йил илгари содир бўлган экан.

Бу ўринда биз албатта Муҳаммад Солиҳ кўрсатган 1866 йилни аниқ исботланган тарихий факт деб қабул қилишга танқидий қараймиз ва келажакда яна архив материаллари билан таққослаш лозим деб биламиз. Агар Муҳаммад Солиҳ зилзила ҳақидаги мажбур маълумотини ўша зилзила содир бўлган вақтдаёқ ёзиб қўйган бўлса, албатта 1866 йилнинг тўғри деб қабул қилиш мумкин. Бордироқ, кейинчалик ёган бўлса, ноаниқликка йўл қўйган ҳам бўлиши мумкин. Вироқ бу мулоҳазалардан қатъий назар, шуниси киқинки, ер қимирлашининг кечиб тарзи (ёрта тоғида воқеа бўлганлиги, кейинроқ ҳам нечартаи сусти қимирлашлар тақдорларини турганлиги) ҳозир биз тоғик-форс тилидан кўзатиб турган ҳолатини эслатади ва сейсмолог олимилимизнинг зилзила бундан бўён қаттиқ тақорланмай, аста-секин қамайиб, тинчланиб кетиши ҳақидаги илмий шарҳларига мувофиқ келади.

А. ҲИКОЯЕВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг илмий ходими.



Академик М. ҲИКОЯЕВ жуда кўп илмий кадрлар етиштирган йирик олимир. Суратда: Муҳаммад Тошқин, И. ҲИКОЯЕВ ва бошқа илмий кадрлар орасида.

МУБОРАҚБОД ҚИЛАМИЗ

Бутун атоқли механик-олимирлардан академик Муҳаммад Тошқин ҲИКОЯЕВнинг туғилганига 60 йил тўлади.

ҲИКОЯЕВ 1928 йилда Тошкентдаги ўрта осие дорифундузининг рабфанини таълимлаш, университетини биринчи курсига кириб ўқийди, сўнг Москва олий ўқув юртидаги. Вуқуам номи олий техника мактабига, техникум-чилик институтига, Ломоносов номи институтида таълим олган. 1935 йилда «Дренажи ер платинисидан сувоқликнинг филь-трациялиги» ўқини масаласини гидроликнинг ечин усули» деган темада кандидатлик диссертациясини, 1947 йилда эса СССР Фанлар академияси Машинасувоқлик институтининг илмий советида «Деформациялуви ип механикасининг асослари» деган темада докторлик диссертациясини муваффақият қилди.

Ўзбекистонда табиий механика фанининг назарий асосларини ривожлантириш мақсадига Ўзбекистон ССР Фанлар академияси қарамогиди Иншоотлар институти оғиш лозим бўлди. Бу институти ташкил қилиш М. ҲИКОЯЕВга топширилди. Олим бу ишда ҳам эр мажбур қўрсатди, институтининг илмий йўналишини белгилаб, бу соҳада илловчи кадрларни тарбиялаб етиштириш ва тўғилишга катта ҳақимати берди. Институт кўриш механикаси, гидротехника иншоотлари, зилзилага барлош беруучи иншоотлар ва қурилиш материаллари масалаларини ўз ичига олчуви фан тармоқлари бўйича катта илмий ташкилотга айланди. М. Т. ҲИКОЯЕВнинг ўз йили директорилик даврида институт Ўзбекистон Фанлар академиясининг йирик илмий муассасалари қаторидан ўрин олди, нег тармоқли мутахассис кадр-

лар етиштириш ўчоғига айланди. Иншоотлар институтининг лабораториялари асосида 1956 йилда сувоқ проблемалари ва гидро-техника институти, 1958 йилда СССР Архитектура ва қурилиш академиясининг Тошкент курилиш ва архитектура илмий текшириш институти ва Ўзбекистон Фанлар академиясининг Механика институти ваби йирик фан ўқувлари яратилди. 1956 йилда М. Т. ҲИКОЯЕВ Ўзбекистон Фанлар академиясининг аъзолиги, 1957 йилда эса СССР Курилиш ва архитектура фанлари академиясининг аъзолиги аъзолиги қилиб сайланди. М. Т. ҲИКОЯЕВ бутун дунё илмий ходимлар федерациясининг ҳамда механика илмий негизининг аъзолиги, бир неча бор СССРда ва чет элларда ўтказилган илмий конференциялар қатнашчидир. М. Т. ҲИКОЯЕВ Давлат мунофоти лауреати ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби-дир. 1957 йилда академик М. ҲИКОЯЕВ Ўзбекистон илмий-техника комитетининг раиси бўлиб тайинланди.

М. Т. ҲИКОЯЕВнинг биринчи илмий асари 1934 йилда босилиб чиққан. Ўтган 32 йил мобайнида у механиканинг турли соҳалари бўйича 100 дан ортиқ илмий ишлар яратди.

Олимнинг гидротехника иншоотлари соҳасидаги филаратия назариясида оид тақдирот ишлари диққатга сазовордир. Унинг ип механикасида бағишланган ишлари эса тўқимачилик соҳасида катта аҳамиятга эга. Бу соҳада 1771 йилда рус академиясининг биринчи академиги Д. Эйлер томонидан ишланган масалани М. ҲИКОЯЕВ ривожлантириб ва умумлаштирди. Д. Эйлернинг тортиш кучи билан тортилуви кучлар орасидаги боғлиқлигини кўрсатуви мажбур формуласи М. ҲИКОЯЕВ исботланган.

Формулянинг ҳусусий ҳолига айланди. Ишқилиш кучини аниқлашда деформацияни ҳисобга олиш масаласи биринчи марта М. Т. ҲИКОЯЕВ томонидан ишлаб чиқилди.

Олим эластик ва гидроэластик системаларнинг зилзилага барлошнинг динамика назарияси бўйича кең илмий тақдирот ишлари олиб берди. У, чиқилган зилзила имушунининг имушотта қўрсатган таъсирини биринчи бўлиб текшириб чиқди ва кучли зилзила вақтида пайдо бўладиган олий формаларга тебранишларини имушотта да инсонлар (х) ёриллар қолди қилишларини кўрсатиб берди. Муҳаммад ақиянинг фақат илмий тақдирот ишларига эмас, балки илмий педагогик фаолияти ҳам катта. Олим—педагог яратган «Назарий механиканинг асосий курси»нинг биринчи ва иккинчи қисмлари, «Материаллар қаршилиги»нинг биринчи ва иккинчи қисмлари, «Назарий механиканинг асосий курси» (статика, кинематика, динамика) ваби оригинал дарсликлари ёш аловдин илм қўқиларидан баҳраманд этмоқда. Унинг «Назарий механиканинг асосий курси» номи китобининг биринчи ва иккинчи қисми Давлат мунофотига сазовор бўлган. Мана, кунча кеча СССР Олий Совети Президиумининг Фармонида мувофиқ Муҳаммад Тошқин ҲИКОЯЕВ мутахассислар тайёрлашдаги, фанни ривожлантиришдаги хизматлари учун ва туғилган кунига 60 йил туғилиш муносабати билан юксак мунофот — Ленин ордени билан тақдирланди.

Инженер, улкан олим, педагог ва жамоат арбоби академик М. Т. ҲИКОЯЕВнинг совет фани хазинаси янада салмоқли ҳисса қўшишига аминимиз.

Х. УСМОНХУҲАЕВ,
техника фанлари кандидати.

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА «САОДАТ»

Бунинг янги журнал деб ўйламанг. Ўзингизга қардон бўлган «Ўзбекистон хотин-қизлари» журналин шун йил май ойидан бошлаб «Саодат» номи билан чиқа бошлайди.

Журнали қўлингизга олиштириш билан сизга таъассуф қилиб турган эътибордан Абдурашидова, га қўлингиз тушади. Бу истараси иссиқ аёл Тошкентдаги 22-болалар клиникасида педиатр бўлиб ишлайди. Бу аёлнинг кўлиб боқишида бахт, саодат нурин жилваланди. Озод хотин-қизларининг бахтли ҳаётини бир сўз билан ифода қилади «Саодат» деб ном берилиш ҳаммаи хурсанд қилади.

«Саодат» журналининг май сони аъзуни Паримқул Қодировнинг «Саодатли баҳор» сарлавҳали бош мақоласи билан очилади. Журналда КПСС XXIII съезди материаллари ҳамда съезд делегатларининг таассуротлари босилган.

Гулчехра Нуруллаевнинг «Майдондаги синалади» очеркида

Мирзачўлдаги 18-советнинг илган пахтакорлари Эътибор Машрапов, Малахот Халиловларнинг меҳнат зафарлари ҳикоя қилинади. Б. Абдуллаевнинг «Бахт», Я. Сулаймоновнинг «Ўрни негизда» лаҳзалари, аъзуни Мирмарин Осимнинг «Тўғри» ҳикояси, Эътибор Оқунбобоевнинг шет-рири ҳам журнал саҳифасидан ўтири олган.

Бухоро области, Ғиждувон районидаги Ленин номи колхоз хотин-қизлар Советининг раиси Ханима Аҳмедова «Биз шундай юлмайми» сарлавҳали мақоласида ўз режамлари билан ўрқоқланган. Филология фанлари кандидати Ш. Абдуллаева «Шоир ҳамиша барҳаёт» сарлавҳали мақоласи билан қатнашган.

Булардан ташқари журналдаги «Врач маслаҳати», «Пазандалар маслаҳати», «Фойдали маслаҳатлар» бўлимларида ҳам кўпгина қизиқарли материалларни ўқиш мумкин.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РАДИО
БҲҲҲ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Қўшқилар, 9.30 — Халқ тоғли асослари, увертюра, 11.10 — Фан ва техника оламида, 11.25 — Концерт, 12.15 — Концерт, 12.50 — «Партия съезди директиваларини ўқиб» (рус.), 13.40 — Рузана Синора қўйлиди, 14.00 — Кишлоқ хўжалик ходимлари учун, 16.15 — Грузин энгил қўйлиди, 17.00 — «Ешлик» радиостанцияси, 18.10 — А. Эшпай, Симфония, 18.30 — Концерт, 19.20 — Социалистик мамлакатлар қўйлиди, 20.45 — Спейс биллар радио-университети, 22.00 — Дунё воқеалари, 22.10 — Қўшқилар, 22.40 — Севимли аъзулар, 23.20 — Кишлоқ хўжалик ходимлари талабига мувофиқ концерт.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ
БҲҲҲ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — Фрунзе кўрсатади. ТОШКЕНТ КўРСАТАДИ
Рус тилида: 19.50 — Ўзбекистон интервю, 20.10